

К. ХОЖИМАТОВ

ЎЗБЕКИСТОННИНГ
ХУШБЎЙ
ВА ХУШТАЪМ
ЎСИМЛИКЛАРИ

633.8

ТОШКЕНТ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
«ФАН» НАШРИЕТИ
1992

Кейинги йилларда озиқ-овқат саноати учун керакли бўлган табиий ўсимлик хом ашёси, жумладан, хушбўй таъмли ўсимликларга бўлган талаб тобора ошиб бормоқда.

Рисолада қадимдан маҳаллий халқ томонидан фойдаланиб келинган ана шундай бебаҳо ўсимликлар тавсифлаб берилади. Уларнинг ўсиш жойлари, биологик-экологик хусусиятлари ҳақида маълумот берилади. Шунингдек, китобчада бу ўсимликлардан ўз ўрнида оқилона фойдаланиш (тайёрлаш усули, ташиш, қўллаш) ва уларни муҳофаза этиш йўллари кўрсатилган.

Рисола кенг китобхонлар оmmasига мўлжалланган.

М а с ъ у л м у х а р р и р

биология фанлари доктори У. П. ПРАТОВ

Т а к р и з ч и л а р:

биология фанлари доктори У. Х. ХАСАНОВ.

биология фанлари номзоди О. НИФМАТУЛЛАЕВ



3704030200—578
Х _____ 282—91
М 335 (04)—91

© Ўзбекистон Республикаси ФА «Фан»
нашриёти, 1992 й.

ISBN 5—648—01088—5

КИРИШ

Мамлакатимизда қайта қуриш жараёнида халқимизнинг маънавий ҳамда маданий фаровонлигини ошириш, уларни юқори сифатли, ноёб озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини тўла-тўқис қондириш мақсадида улкан режаларни амалга ошириш кўзда тутилган. Айниқса, ишлаб чиқарилаётган озиқ-овқат маҳсулотларининг турларини кўпайтириш, сифатини яхшилаш, тўйимлилигини орттириш, шифобахшлик хусусиятини кучайтириш, таркибини биологик актив моддалар билан бойитиш ҳамда халқ хўжалиги ишлаб чиқариш тармоқларини хом ашё билан таъминлаш йўллари белгиланган. Бу ечимларни амалга оширишда ўсимлик хом ашёларидан, жумладан хушбўй ва хуштаъм ўсимликлардан ўринли ва оқилона фойдаланиш юқори самарадорликка эга бўлади.

Шундай экан, жаҳон миқёсида олганда мамлакатимизда, қолаверса Ўзбекистонда хушбўй ҳамда хуштаъм ўсимликларни ўрганиш ва улардан фойдаланиш қандай амалга оширилмоқда?

Хозирги кунда дунё ўсимликлари 300 оилага мансуб бўлиб, уларнинг 87 оиласига қирувчи 2500 турида эфир мойлари борлиги аниқланган, шулардан 77 оилага қирувчи, 1100 дан ортиқ тури мамлакатимиз ўсимликлар оламида, Ўзбекистонда 56 оиланинг 593 тури учрайди.

Дунё мамлакатларида хушбўй ўсимликларнинг 75 тури юқори сифатли хом ашё берувчи манба бўлиб ҳисобланади. Улардан йилига 40000 тонна эфир мойлари олинмоқда. Хорижий мамлакатларда эфир мойларини ишлаб чиқариш яхши йўлга қўйилган ҳамда кўп миқдорда тайёрланади. Масалан, Бразилияда 9767 тонна, Хитой Халқ Республикасида 8173 тонна, Америка Қўшма Штатларида 7248 тонна, Францияда 6500 тонна, Индонезияда 1520 тонна, Хиндистонда 1000 тонна, Совет Иттифоқи-

да эса 1980—1986 йилларда ҳар йили ўртача 1124 тонна 39 номдаги эфир мойлари ишлаб чиқарилган.

Иттифоқимизда сўнги 3-беш йиллик давомида табиий эфир мойларини ишлаб чиқариш деярли 25 фоизга, уларнинг экин майдонлари 6,3 минг гектарга камайди. Улуғ Ватан уруши йилларида арпабодиён мойини ишлаб чиқариш йилига 5 тоннани ташкил этган бўлса, 1981—1985 йиллар давомида бу кўрсаткич 1,2 тоннага, ялпиз мойи 1940 йилда 181 тонна тайёрланган бўлса, ҳозирги кунда 96 тоннага тушиб қолди.

Лекин деярли 20 млн аҳолига эга бўлган Ўзбекистонда эфир мойли ўсимликларни экадиган, хом ашё тайёрлайдиган, улардан эфир мойларини ажратиб оладиган бирорта корхона, колхоз ёки совхоз йўқ.

Демак, Ўзбекистонда хом ашёларни етиштириш, эфир мойларини ишлаб чиқариш имконияти ва шароитлари йўқ деса бўлади.

Аслини олганда, Ўзбекистонда хушбўй ва хуштаъм ўсимликлардан хом ашё сифатида фойдаланиш, улардан эфир мойларини ажратиб олишни йўлга қўйиш учун барча имкониятлар бор.

Биз табиий ҳолда ўсадиган эфир мойли ўсимликлардан тўғри ва оқилона фойдаланишни йўлга қўйишимиз билан бир каторда, қимматбаҳо хом ашё манбаи ҳисобланадиган, юқори сифатли эфир мойларини берадиган лимонли шувок, ёронгул, ялпиз, маврак, райхон, арпабодиён, кийикўт, тоғрайхон, алқарўт, зира, шеролғин каби ўсимликларни экинга айлантирсак, хом ашё манбаи мустаҳкамланар эди. Улардан олиниши мумкин бўлган эфир мойлари ва тайёрланган маҳсулотлар юқори сифатли бўлиб, нафақат мамлакатимиз стандартига, ҳатто жаҳон стандарт талабига ҳам тўғри келар эди. Бу ечимлар амалга оширилса, юқори сифатли эфир мойлари тайёрланиб, улардан турли-туман маҳсулотлар ишлаб чиқаришда фойдаланилса, бу нафақат ижтимоий самардорликка эга бўлади, балки иктисодий жиҳатдан ҳам фойда берар эди.

Хушбўй ва хуштаъм ўсимликлар бойликларидан фойдаланганда, ўсимлик гуруҳларининг экологик мувозанатига таъсир этмаслик учун уларни йиғиштириб олиш ва тайёрлаш қоидаларига риоя қилинса, ўсимликлар орасидаги мувозанат бузилмайди, балки улар йўқотган масалари қайта тикланади. Ўсимлик хом ашёларини йиғиш-

тиришда турларни билмаслик, уларнинг биологик хусусиятларини ҳисобга олмаслик, унумли ва оқилона фойдаланмаслик ҳам ашё учун йиғиштирилаётган ўсимлик турлари ҳамда бойликларига катта зарар етказди.

Шу сабабли, рисолада Ўзбекистон шароитида тарқалган хушбўй ва хуштаъм ўсимликлар турлари, ҳаёт формалари, ўсиш шароити, ҳосилдорлиги, аъзоларидаги эфир мойларининг миқдори, ўсимликлардан фойдаланиш йўллари ҳамда уларни муҳофаза этиш усуллари тўғрисида маълумотлар берилди.

ЎЗБЕКИСТОН ФЛОРАСИДАГИ ХУШБЎЙ ВА ХУШТАЪМ ЎСИМЛИКЛАР

Ўзбекистон флораси турли-туман, ранго-ранг бўлиб, унинг таркибида 4000 турдан ортиқроқ ўсимликлар мавжуд. Уларнинг кўпчилигидан халқ хўжалигимизнинг ҳар хил тармоқларида юкори сифатли хом ашё ўрнида, кийим-кечак, дори-дармон, озик-овқат, пардоз-андоз буюмлари ишлаб чиқаришда кенг кўламда фойдаланиш мумкин. Ана шундай ўта фойдали ўсимликлар тонфасига хушбўй ва хуштаъм ҳисобланган эфир мойли ва зираворлик хусусиятларига эга бўлган ўсимлик турлари киради.

Уларни ишлаб чиқаришга жорий этиш учун биринчи навбатдаги вазифалар жумҳуриятимиз ўсимликлар оламидаги хушбўй ва хуштаъм ўсимлик турларини аниқлаш, уларнинг тарқалиш қонуниятларини илмий асослаб бериш, энг қимматбаҳо хом ашё бўладиган турларини ажратиб олиш, бойликларини ҳисоблаб чиқиш, таркибидаги моддаларни ҳар тарафлама чуқур ўрганиб, тўпланиш қонуниятларини аниқлаш, уларни ўсиш шароитига, ривожланиш даврларига, ёшига ва ўсимлик гуруҳларига боғлиқлигини исботлаш зарур эди. Аниқланган ўсимлик хом ашё бойликларидан унумли, оқилона фойдаланиш ҳамда уларнинг бойликларини қайта тикланишига имконият бериш йўллари асослаб бериш лозим эди. Ўзи қимматбаҳо хом ашё ҳисобланган ўсимлик турларини маданий экинга айлантиришнинг агротехник тадбирларини яратиш зарур. Бу муҳим ечимларни ҳал этишда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ботаника илмий тадқиқот институтининг эфир мойли, ошловчи ва бўёкли ўсимликлар лабораторияси олимлари муҳим ҳиссаларини қўшмоқдалар.

Бизнинг илмий тадқиқотларимиз якунига қараганда ҳозирги кунга қадар Ўзбекистон флорасида хушбўй ва хуштаъм ўсимликларнинг 593 тури аниқланган бўлиб,

улар 261 туркум ҳамда 56 ўсимлик оилаларига мансубдирлар.

Хушбўй ва хуштаъм ўсимлик турларини энг кўп саклайдиган оилалардан — соябонгулдошларнинг 57 туркумида 119 тури, лабгулдошларнинг 29 туркумида 88 тури, мураккабгулдошларнинг 26 туркумида 65 тури, карамдошларнинг (крестгулдошлар) 22 туркумида 46 тури, раъногулдошларнинг 15 туркумида 35 тури, пиёзгулдошларнинг 7 туркумида 29 тури, дуккакдошларнинг 10 туркумида 24 тури эфир мойларини сақлашлиги аниқланган.

Хушбўй ва хуштаъм ўсимликларнинг аъзоларида тўпланган эфир мойларининг миқдори таъсир этувчи омилларга боғлиқ. Биринчи навбатда, ўсимликларнинг тарқалиш райони, ўсиш шароити, ривожланиш даврлари, ўсимлик гуруҳлари, тупроқ ва об-ҳаво шароитлари, қуёш ёруғлигининг ва нурларининг таъсири ҳамда генетик жиҳатидан узвий барқарорлиги муҳим аҳамиятга эга.

Хушбўй ва хуштаъм ўсимликлардаги эфир мойларининг миқдорига караб, уларни шартли ҳолда қуйидаги группаларга бўлиш мумкин: ўсимликларнинг 11 тури 3 фоиздан ортиқ эфир мойларини саклайди, 21 тури 2 фоиздан ортиқ, 60 тури 1 фоиздан ортиқ, 54 тури 0,5 фоиздан, 192 тури 0,1 фоиздан, 269 тури то 0,1 фоизгача эфир мойларини саклайди.

Хушбўй ва хуштаъм ўсимликларнинг турли аъзолари — янги куртаги, барги, гунчаси, гули, уруғи, меваси, данаги, пояси, пўстлоғи, илдизи, илдизпояси, тугунаклари ҳамда пиёзлари эфир мойларини у ёки бу миқдорда саклайдилар. Ўсимликларда эфир мойлари миқдорининг оз ёки кўп бўлиши уларнинг таъсирчанлик қувватини ёки сифатини аниқлаб бермайди. Балки уларнинг таъсирчанлиги, қувватлилиги, сифатлилиги эфир мойларининг таркибидаги турли хил биологик актив бирикмаларнинг миқдорига боғлиқдир.

Хушбўй ва хуштаъм ўсимликлар эфир мойининг юкори сифатли ҳамда таъсирчан бўлиш пайти кўпчилик ўсимликларнинг гунчалаш ва гуллаш даврига тўғри келади. Ана шу пайтда ўсимликларнинг ер устки массалари йиғиштирилиб олинishi лозим. Гунча ва гуллари тўлиқ етилганда, уруғ ва мевалари эса тўлиқ пишганда, илдиз, илдизпоя, туганак ҳамда пиёзлари ўсимлик ўсиш даврининг охирида, яъни ўсимлик уйқуга кетиши олдида йиғиштириб олинади.

Хушбўй ва хуштаъм ўсимлик бойликларини қайта тиклаш ва муҳофаза этиш. Ҳозирги пайтда хушбўй ва

хуштаъм ўсимлик хом ашёларидан тайёрланаётган маҳсулотларга бўлган талаб кундан-кунга ортиб бормоқда. Бу эҳтиёжни тўла-тўқис қондириш учун ўсимлик хом ашё бойликларидан тўғри, унумли ва оқилона фойдаланишга етарли эътибор бериш зарур.

Хушбўй ва хуштаъм ўсимлик бойликларидан ноўрин фойдаланишлик, уларнинг биологик хусусиятларини ҳисобга олмаслик, йиғим-теримни белгиланган муддатларда ташкил этмаслик, белгиланган пландан кўпроқ хом ашё йиғиштириш, бойликларни ноўрин пайхон қилувчи шахсларга йўл очиб бериш ўсимлик турларининг йўқолиб кетишига ҳамда бойликларининг қайта тикланишига зарар келтирибгина қолмасдан, айрим ўсимлик турлари йўқолиб кетишига сабаб бўлади. Шу сабабли хушбўй ва хуштаъм ўсимлик хом ашёларини тайёрлашда илмий асосда яратилган тадбир, чора ва қондаларга тўлиқ амал этиш керак.

Ўсимлик хом ашёларини тайёрлаш белгиланган план асосида амалга оширилиши лозим. Планни ортиги билан бажаришга интилмасдан, балки тайёрланаётган хом ашё сифатини яхшилашга талабчанликни ошириш зарур. Бунинг учун мутахассислар ҳамда ўсимлик хом ашёларини тайёрловчи ташкилот ходимлари шу ўсимликларнинг морфологик ва биологик хусусиятлари билан тўлиқ таниш бўлиши, уларнинг ўсиш ва таркалиш районлари, йиғим-теримни ташкил этиш муддати ва пайти, хом ашёни қуритиш ва сақлаш, жўнатиш тўғрисидаги қондаларни билишлари ҳамда уларга тўлиқ амал қилишлари зарур. Шунингдек, ўсимлик турларини бир-бирларидан тўлиқ фарқлай олишлари керак. Чунки бир туркумга мансуб турлар бир-бирига жуда ўхшаш бўлса-да, эфир мойларини сақлашлик жиҳатидан тубдан фарқ қилади. Натижада тайёрланган хом ашё талабга жавоб беролмайди, хом ашё сифатида пасаяди, улардан олиниши мумкин бўлган эфир мойлари стандартга тўғри келмайди.

Хушбўй ва хуштаъм ўсимлик бойликларини қайта тиклаш ва муҳофаза этиш учун қуйидаги талабларни амалга ошириш шарт:

— хом ашё учун тайёрланаётган ўсимликларнинг морфологик белгилари ва биологик хусусиятларини билиш;

— хом ашё учун тайёрланаётган ўсимликларнинг илдизига зарар келтирмаслик мақсадида, уларни йиғиштиришда ўткир асбоблардан фойдаланиш;

— ғунчалаб, гуллаб турган ёки уруғлаган ўсимликларни хом ашё учун ялпи йиғиштирмаслик зарур;

— уруғларни сут даврида, мевалари нишмасдан йиғиштирмаслик лозим;

— хом ашё учун тайёрланаётган ўсимликларни синдириб, илдиз, илдизпоя, туганак ва пиёзларни суғуриб олмаслик;

— хом ашё учун йиғиштирилаётган ўсимликларни деярли ялписига йиғиштирмасдан, маълум қисмини қолдириш зарур;

— хом ашё учун ўсимликларнинг илдиз, илдизпоя, туганак, пиёзлари тайёрланаётган бўлса, уларнинг ҳаммасини ялли қазиб олмасдан, балки оралатиб йиғиштириш керак;

— пишган уруғ ва меваларни хом ашё учун охирига қадар қолдирмасдан териб олмаслик керак;

— хом ашё учун тайёрланаётган ўсимликларни йиғиштиришни талабга жавоб берадиган (стандартга тўғри келадиган) даражада ташкил этиш лозим;

— ўсимликларни ер устки массаси учун йиғим-терим ўтказиладиган майдонларни ҳар икки-беш йилда алмаштириб туриш керак;

— хом ашё учун ўсимликларнинг ер остки аъзолари йиғиштирилса, уларнинг йиғим-терим ўтказиладиган майдонларини ҳар 5—10 йилда алмаштириб туриш лозим;

— хом ашё талабига жавоб бермайдиган ўсимлик аъзоларини, яъни пишган уруғ, мева, илдиз, илдизпоя, туганак, пиёзларни қайтадан ерга экиб ва ўтқазиб кетиш шарт;

— касалланган ҳамда зарарланган ўсимлик турлари кўзга ташланса, улар кўпайиб, кенг тарқалиб кетмаслиги учун қарши тадбирий чоралар кўриш лозим;

— агар рухсатномаси бўлмаса, айрим шахслар (табиат шайдолари) томонидан ўсимлик хом ашёларини йиғиштиришни ман этиш ва пайҳонлашга йўл қўймаслик керак;

— ноёб, қимматбаҳо хом ашё ўсимлик бойликларини сақлаш мақсадида кўриқхоналар ташкил этиб, у жойларда чорва молларини бокмаслик ҳамда ем-хашакни ўриб олмаслик лозим;

— ноёб, қимматбаҳо хом ашё ўсимликларни экинга айланштиришнинг технологик қондаларини ишлаб чиқариш керак.

ХУШБЎЙ ВА ХУШТАЪМ ЎСИМЛИКЛАРДАН Фойдаланиш

Инсон дунёга келибдики, у ўз теварак-атрофида ўсадиган турли-туман ўсимликлардан ҳар хил мақсадлар учун фойдаланган. Аввало, ўсимликлардан озик-овқат, кийим-кечак, дори-дармон ҳамда бошпаналар тайёрлашга катта эътибор берилган. Кейинчалик инсон ақл-заковатининг ривожланиши, онгининг ўсиши, теварак-атрофда содир бўладиган воқелик сабабларини тўлиқ тушунган сари, ўсимликлардан янада кенгрок, унумлирок фойдаланишига, улардан янги-янги нарсалар ясашга, тайёрлашга ва ишлаб чиқаришга жиддий эътибор берганлар.

Айниқса, қадим-қадимдан хушбўй ва хуштаъм ўсимликлардан фойдаланишга кўпроқ хоҳиш билдирилган. Чунки бу ўсимликлар хом ашёси овқатга ишлатилганда, овқатнинг таъмлилигини оширибгина қолмасдан, балки уларни бузилишдан, айнишдан сақлаб қолишга ёрдам қилган. Ўсимликларни хомлигича ёки ширасидан дори-дармон сифатида фойдаланганлар ҳамда турли хил касалликларни даволаганлар.

Дарҳақиқат, хушбўй ва хуштаъм ўсимликлар биологик актив моддаларга бой бўлибгина қолмасдан, балки фитонцидлик ҳамда антибактериоцидлик хусусиятларга ҳам эгадирлар. Шу сабабли улардан озик-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда ҳамда тайёрлашда фойдаланганда, озик-овқат маҳсулотлари сифатини, таъминини, тўйимлилигини, организмда тез ҳазм бўлишини таъминлабгина қолмасдан, балки уларни тез айниб қолишдан, бижилдан, яъни сасиб бузилишдан ҳам сақлайди.

Зираворланган озик-овқат маҳсулотлари таркибида турли витаминлар, хушбўй, жуда ҳам ёқимли эфир мойлари, турли хил органик кислоталар, карбонсувлар, ошловчи моддалар, микро ва макроэлементлар, фитонцид ҳамда бактерицид моддалари бўлади. Бундай биологик актив моддалар билан бойиган озик-овқат маҳсулотлари ишгаҳа билан тановул этилади ҳамда осонлик билан ҳазм бўлади. Натижада инсон организмда модда алмашинув жараёни яхшиланади, турли хасталикларга бўлган қаршилиги кучаяди.

Хушбўй ва хуштаъм ўсимлик ашёларидан озик-овқат саноатида турли хил истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқаришда кенг фойдаланилади. Айниқса, гўштли (хасип, кази, яхна гўшт), баликли, мевали ва сабзавотли консервалар (помидор, бодринг, қарам, патисон, бақлажон, са-

римсок, ҳар хил гиёҳлар), маренадалар, турли шарбатлар, кондитер маҳсулотлари, спиртли ва спиртсиз ичимликлар тайёрлашда кенг миқёсда фойдаланилади.

Пазандаликда ҳамда уй шаронтида тановул этиладиган овқатларни тайёрлашда хушбўй ва хуш таъм ўсимликларнинг хом ашёси кўпроқ ишлатилади.

Ҳозирги кунда халқ хўжалигимизнинг турли тармоқларида энг кўп ишлатиладиган хушбўй ва хуштаъм ўсимликлардан зира, оқзира, қоразира, кориандр, карафс, кизил аччик қаламшир, булғор қаламшири, еркаламшир, райхон, тоғрайхон, ялпиз, кийикўт, лимонўт, маврак, саримсок, пиёз, қарқанд, жамбил, занжабил, зарчавалар ҳаммага маълум. Лекин шуни айтиш лозимки, яна қимматбаҳо хушбўй ва хуштаъм ўсимликлардан алқарўти, зуфо, ерчай, тоғжамбили, упор, шунғила, ёввойи сабзи, чўлялпизи, тоғялпизи, тотим, тоғдастарбош, қоракат, шеролғин, иссоп, бошоғрикўтлар ҳозирга қадар кенг миқёсда омалашгани йўқ, улардан фойдаланиш эътибордан четда қолмоқда.

Аммо хушбўй ва хуштаъм ўсимликлардан мамлакатимиз бўйича яхши фойдаланаётирмиз, деб бўлмайди. Уларнинг хом ашёсига бўлган эҳтиёж кундан-кунга ошиб бормоқда. Натижада етишмовчиликлар сезилмоқда. Бу етишмовчиликни қоплаш учун хорижий мамлакатлардан ҳар йили 12000 тонна зираворлар, айниқса, қорамурч, қардамон, миҳчагул, қорица, бадъян, мускат ёнғоқлари харид қилинмоқда.

Сўнгги йилларда бир қанча хушбўй ва хуштаъм ўсимликлардан бўлган тоғрайхон, мармарак, алқорўт, кийикўт, чойўти, зира, лимонўт, ялпиз, лимонли шувок, шеролғин, қораканд, қизилқанд, райхон, андиз, итбурун, эрмон, авруғлар истеъмолда кенг қўлланила бошлади.

1974 йилда Иттифокда биринчи бўлиб хушбўй ва хуштаъм гиёҳлардан, нозик ҳидли, яхши таъмли, чанқовни босадиган, организмни тетиклаштирувчи, шифобахшлик хусусиятига эга бўлган ҳамда таркиби биологик актив моддаларга бой бўлган «Райхон», «Горный цветок», «Тошкент» номли алкогольсиз ичимликларнинг композицияси, рецепти ҳамда ишлаб чиқариш технологияси яратилди. «Тошкентпиво» бошқармаси 3-филиали алкогольсиз ичимликлар цехининг бошлиғи О. А. Сердюкова билан ҳамкорликда саноат миқёсида Ўзбекистонда ишлаб чиқаришни йўлга қўйишда жонбозлик кўрсатилди. Гиёҳлардан алкогольсиз ичимликларни ишлаб чиқариш бир қанча афзалликларга эга эканлигини аниқлади. Биринчидан, ишлаб чиқарилаётган ичимликларнинг сони ҳамда салмоғи

кўпайди, четдан келтирилиб ишлатиладиган ўсимлик хом ашёларига ва эфир мойларига маълум миқдорда чек кўйилди, синтетик эссенциялар ўрнини табиий ўсимлик моддалари эгаллади, гиёҳлардан саноат тармоқларида кенг фойдаланишга йўл очиб берилди.

Алкоголсиз ичимликларни юқорнда айtilган фойдали хусусиятларини ҳамда уларга ўсиб бораётган кунлик эҳтиёжларни ҳисобга олган ҳолда, шунингдек, алкоголизмга қарши курашиш тадбир-чораларни амалга ошираётган бир шароитда хушбўй ва хуштаъм гиёҳлардан чанқов босди ичимликлар тайёрлаш борасида жумхуриятимизда катта ишлар амалга оширилмоқда, гиёҳлардан фойдаланиш доираси кенгаймоқда.

Ўзбекистон республикаси Фанлар академияси Ботаника институти эфир мойли, ошловчи ва бўёкли ўсимликлар лабораториясининг етакчи олимлари, Биорганика институти илмий ходимлари, республика ишлаб чиқариш илмий бирлашмаси «Ўзпищепром» ҳамда Чортоқ озука концентратлар ишлаб чиқариш тажриба заводи мутахассислари билан ҳамкорликда «Пахтакор», «Орзу», «Ўзбекистон», «Чортоқ», «Оромгоҳ» ва бошқа бир қанча алкогольсиз ичимлик ишлаб чиқариш технологияси яратилди ва уларни тайёрлаш саноат миқёсида йўлга кўйилди.

Сўнгги йилларда ишлаб чиқарилаётган алкогольсиз ичимликларни сақлаш муддатини чўзиш, сифатини янада ошириш, шифобахшлик хусусиятини мустаҳкамлаш ҳамда таннархини камайтириш мақсадида хушбўй ва хуштаъм гиёҳлардан райхон, тоғрайхон, лимонўт шарбатларини тайёрлаш технологияси ҳам йўлга кўйилди. Ана шу шарбатлар асосида хушбўй, яхши таъмли салқин ичимликлар тайёрланмоқда.

Турли гиёҳлардан тайёрланган 200 йилга яқин тарихга эга бўлган Ригада ишлаб чиқарилаётган «Рига бальзами» ўзининг шифобахшлиги билан доврўғи бутун дунёга тарқалган, лозим бўлганда уни излаб топиш жуда машаққат бўлган. Бизда ҳам жумхуриятимиз ўсимликлар оламидаги энг қимматбаҳо ва шифобахшлик хусусиятига эга бўлган хушбўй ва хуштаъм гиёҳлардан «Ўзбек бальзами»ни яратиш устида тадқиқотлар ўтказилди. Натижада «Самарканд бальзами» ва Самарканд хушбўй ичимликларининг композицияси, таркиби ҳамда «Ўзбеквино» ишлаб чиқариш бошқармаси ва Самарканд вино заводи мутахассислари билан ҳамкорликда янги ичимликларни ишлаб чиқариш технологияси яратилди.

1980 йилда Бутуниттифок сифатни аниқлаш марказий комиссияси бу янгиликларни юқори баҳолади ва уларни

ишлаб чиқариш жорий этилди. Шундай қилиб, биринчи «Ўзбек бальзами» ва хушбўй ичимликларидан «Самарканд бальзами» ҳамда «Самаркандская ароматная» профессор Ховренко А. М. номидаги Самарканд вино заводида ишлаб чиқарилмоқда. «Самарканд бальзами» ўзининг чиройли кўриниши, ёқимли нозик хушбўй хиди, хуш таъм-лиги, шифобахшлиги ва кувват берувчанлиги билан бошқа бальзамлардан устун туради.

«Самарканд бальзами» 1984—1985 йилларда Лейпциг ҳамда Загребне шаҳарларида ўтказилган Жаҳон савдо ярмаркаларида Олтин медаль ва мактов дипломларига сазовор бўлган эди.

Жумҳуриятимиз ўсимликлар олами хушбўй ва хуштаъм гиёҳларга жуда бойлиги ҳақида кўп гапирилди-ю, лекин улардан халқимиз учун гўзаллик ва соғломлаштирувчи маҳсулотлар тайёрлашда ҳамда уларни ишлаб чиқаришга жорий этишда жуда ҳам орқадамиз.

Хушбўй ва хуштаъм ўсимликлардан юқори сифатли упа-элик, турли хилдаги духи, одеколон, атирлар, хидли сувлар, шампунлар ишлаб чиқариш вақти келди. Бу буюмларнинг ишлаб чиқариш технологиясини мутахассислар билан ҳамкорликда яратиш лозим.

Хушбўй ва хуштаъм ўсимликларимизнинг жуда кўпчилик турлари шифобахшлик хусусиятига эга бўлиб, улардан турли-туман дори-дармонлар ишлаб чиқариш мумкин.

Фармацевтика баъзи бир эфир мойлари ҳамда уларнинг компонентлари — ментол, тимол, анетол, карвалол ва бошқалари даволаш, антисептик хусусиятларга эга бўлганлиги сабабли турли хил дори-дармонлар тайёрлашда фойдаланилади. Ментолнинг спиртли эритмасидан оғиз бўшлиғи жароҳатланганда, ошқозон, ичак йўллари юқумсиз касалликлар билан оғриганида даволаш учун ишлатилади.

Сўнгги пайтларда ҳеч кимга сир эмас, барча соҳа бўйича танқисликлар кўзга ташланмоқда, нимаики керак деб изланса, уни топиш «анқонинг уруғи» бўлмоқда. Айниқса, инсон саломатлиги учун зарур бўлган дори-дармонларнинг етишмовчилиги, дорихоналардан топилмаслиги ғалати бир ҳолдир.

Ҳозирги пайтда жумҳуриятимизнинг кўп вилоятларида кенг тарқалган юқумли хасталиклардан бири сарик касаллигидир. Гапнинг очигини айтганда, бу хасталикни даволаш учун, шу кечаю кундузда дорихоналарда, ҳаттоки касалхоналарда ҳам дори-дармонлар етарли миқдорда эмас, танқислик ва муҳтожлик сезилмоқда.

Биз шу нарсани ҳисобга олган ҳолда унинг олдини

олиш ҳамда даволаш мақсадида ўзимиз яшаб турган шароитимизга мослашган хушбўй ва хуштаъм ўсимликлардан сариқ касаллигига қарши дори-дармон тайёрладик. Бу дори-дармон 5 та гиёҳлар йиғмасидан тайёрланган бўлиб, унга ЛСХ-І, яъни «Ҳожиматовнинг дори-дармон йиғмаси-І» деб номладик. Мен шу дори-дармоннинг композицияси, рецепти, тайёрлаш технологияси ҳамда истеъмол этиш миқдорини ишлаб чиқдим.

Бу дори-дармон ўзининг турли-туман биологик актив моддаларга, айниқса витаминлар, органик кислоталарга бойлиги, инсон организмига зарарсизлиги, асоратсиз даволаши, иктисодий самарадорлигининг юқори эканлиги билан бошқа дори-дармонлардан устун туради.

Хушбўй ва хуштаъм ўсимликлардан тайёрланган ЛСХ-І дори-дармоннинг инсон организми учун мутлок зарарсиз эканлиги, даволаш хусусияти юқорилиги илмий ҳамда тажриба асосида клиникада тўлиқ исботланган.

Хушбўй ҳамда хуштаъм ўсимликлардан олиниши мумкин бўлган эфир мойлари учувчанлик ва бактерицидлик хусусиятларига эга бўлганлиги туфайли биноларни, айниқса, мактаб ва касалхоналарни дезинфекция қилишда ҳамда ўсимликлар зараркундаларига қарши курашда ишлатиш яхши самаралар беради.

Айрим гиёҳларнинг (зира, анис, кориандр, арпабодён, маврак) уруғларидан эфир мойлари ажратиб олингандан сўнг, улардан техник мақсадлар учун ишлатиладиган ёғлар ҳам олса бўлади. Уларнинг кунжаралари хайвонлар учун тўйимли оксилли озуқа ҳисобланади. Энг сўнгги ҳосиласи эса органик ўғит сифатида тупроқ ҳосилдорлигини оширишда ишлатилса, ерни органик моддалар, микро ҳамда айрим макроэлементлар билан бойитади.

Хушбўй ва хуштаъм ўсимликлардан олиниши мумкин бўлган юқори сифатли эфир мойлари нафақат халқ хўжалигимизнинг турли тармоқлари учун асосий хом ашё маҳсулотлар бўлибгина қолмасдан, балки халқаро бозорда ҳам жуда қадрланади, иктисодий самарадорлиги юқори бўлади.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, табиий ҳолда ўсадиган хушбўй ва хуштаъм ўсимликларнинг турлари ханузгача охиригача аниқланган эмас. Биз аниқлаган 593 тур хушбўй ва хуштаъм гиёҳлар жумҳуриятимиз ўсимликлари оламидаги барчаси деган маънони бермайди. Кейинги йилларда ўтказилиши лозим бўлган янада чуқур илмий тадқиқотлар янгидан-янги хушбўй ва хуштаъм гиёҳларнинг топилишига олиб келади. Хушбўй ва хуштаъм ўсимликлардан фойдаланиш фақат уларнинг таркибида

сақланадиган эфир мойлари микдорининг кўплиги билан белгиланмасдан, балки улар сақлайдиган компонентларнинг микдори ҳамда хусусиятлари билан чамбарчас боғлиқдир.

Хушбўй ва хуштаъм гиёҳлардан озик-овкат саноатида кенг миқёсда ишлатиш лозим бўлган турлар маврак, кийикўт, зуфо, райхон, тоғрайхон, алқарўт, ялпиз, ҳиссон, занжабил, упор, барбарис, бўймадарон, андиз, зира ва ш.к.туркумларни ташкил этади.

Хушбўй ва хуштаъм ўсимлик хом ашёларидан фойдаланаётганда, албатта, улар йиғим-теримини ўтказиш, тайёрлаш, қуриштириш, сақлаш ҳамда қўллаш тўғрисидаги кўрсатмаларга тўлиқ риоя қилиш зарур. Акс ҳолда улардан фойдаланганда ҳам яхши натижалар бермайди. Сўнгги, энг асосий мақсадимиз жумҳуриятимизнинг 20 млн аҳолиси учун хушбўй ва хуштаъм гиёҳлар хом ашёсидан тайёрланиши мумкин бўлган буюмларни ишлаб чиқариш, улар эҳтиёжларини тўла-тўқис қондириш, қолаверса, Ўзбекистонда шу ўсимликлар хом ашёсидан эфир мойларини ажратиб оладиган корхоналар бунёд қилишдан иборатдир. Қуйида Ўзбекистонда ўсадиган эфир мойли ўсимликларнинг номлари, ўсадиган жойи, ривожланиш даври ва улардаги эфир мой микдори хақида маълумот берилади.

ЎЗБЕКИСТОН ФЛОРАСИДАГИ ЭФИР МОЙЛИ УСИМЛИКЛАР

№ №	Усимликларнинг илмий ва маҳаллий номлари	Усган жойи	Ривожланиш даври	Тегишрилган қисми	Эфир мой микд. %
1	2	3	4	5	6
Pinaceae — Қарағайдошлар оиласи Pinus L. — Қарағай туркуми					
1	<i>P. pallasiana</i> Lamb.	Омонқўтон ўрмон хўжалигида	мевалаш	қуббали шох-шаббаси	1,3—1,8
2	<i>P. silvestris</i> L. — Қарағай	Самарқанд, Тошкент	—“—“—	шох-шаббаси	0,9—1,2
Cupressaceae — Сарвидошлар оиласи Juniperus L. — Сарви туркуми					
3	<i>J. turkestanica</i> Kom. — Ўрикларча	Туркистон тоғлари-да	мевалаш	шох-шаббаси	0,78—0,95
4	<i>J. zergavschanica</i> Kom. — Кизиларча	—“—“—	—“—“—	қуббали шох-шаббаси	0,85—1,40
5	<i>J. semiglobosa</i> Rgl. — Саурарча	—“—“—	—“—“—	шох-шаббаси	0,75—1,80
Aragaceae — Кучаладошлар оиласи Acorus L. — Игир туркуми					
6	<i>A. calamus</i> L. — Игир	Қорасув, Чўпонота атрофида	ривожланиш	илдизпояси	1,20—1,90
Alliaceae — Пиёзгулдошлар оиласи Colchicum (Toop.) L. — Савринжон туркуми					

1	2	3	4	5	6
7	<i>C. luteum</i> Baker — Саврижон	Фарғона тоғларининг майда шағал тошли ёнбағирликларида	гуллаш	тўпгули	0,03—0,05
<i>Eremurus</i> M. B. — Ширач					
8	<i>E. turkestanicus</i> Rgl. Тур- кистон ширачи	Чотқол тоғининг майда ва шағал-тош- ли ёнбағирликларида	гуллаш	тўпгули	0,01—0,02
9	<i>E. sogdianus</i> (Rgl.) Franch. Соғдион ширачи	— " " —	— " " —	— " " —	0,01—0,025
10	<i>E. olgae</i> Rgl. — Гулширач	Туркистон тоғининг тупроқли ва майда шағал-тошли ёнба- ғирликларида	гуллаш	тўпгули	0,05—0,02
11	<i>E. robustus</i> Rgl. — Қирқбарғ	— " " —	— " " —	— " " —	0,02—0,03
<i>Allium</i> L. — Пиёз туркуми					
12	<i>A. scabriscapum</i> Boiss.	Чотқол тоғининг тупроқли ва тошли ёнбағирликларида	гуллаш	пиёзи	0,04—0,07
13	<i>A. tythanthum</i> Vved.	Ҳисор тоғининг қоя ва тошли ёнбағир- ликларида	— " " —	— " " —	0,03—0,04
14	<i>A. kokanicum</i> Rgl.	Олоғ тоғининг қоя ва тошли қиялик- ларида	— " " —	— " " —	0,01—0,02

1993
А
ГБ УЗБОР
6828

1	2	3	4	5	6
15	<i>A. talassicum</i> Rgl. — Дашпиёз	Фарғона тоғларининг қоя ва тошли қия- ликларида	—“—”—	—“—”—	0,03—0,04
16	<i>A. oschaninii</i> O. Fedtsch. — Ошанинпиёзи	Ғарбий Тяньшанин қоя ёриқликларида	—“—”—	—“—”—	0,05—0,07
17	<i>A. sera</i> L. — Пиёз	Экилади	ўсиш	пиёзи	0,02—0,07
18	<i>A. turkestanicum</i> Rgl. — Туркистон пиёзи	Мўғилтоғининг ранг- баранг тупроқли ёнбағирликларида	уруғлаш	—“—”—	0,09—0,015
19	<i>A. ferganicum</i> Vved. — Фарғона пиёзи	Фарғона тоғларининг ранг-баранг тупроқ- ли ёнбағирликларида	—“—”—	—“—”—	0,05—0,08
20	<i>A. sativum</i> L. — Саримсоқ	Экилади	Ўсиш	пиёзи	0,08—1,03
21	<i>A. porrum</i> L.	—“—”—	—“—”—	—“—”—	0,06—0,10
22	<i>A. verticillatum</i> Rgl.	Туркистон тоғининг тупроқли ва шағал- тошчали ёнбағирлик- ларида		ер устки	0,03—0,08
23	<i>A. aroides</i> M. Pop.	—“—”—“—”—	гуллаш	пиёзи	0,03—0,08
24	<i>A. alexejanum</i> Rgl.	Туркистон тоғининг шағалли ва тошли ёнбағирликларида	—“—”—	—“—”—	0,04—0,06
25	<i>A. severtzovii</i> Rgl. — Северцев пиёзи	Чотқол тоғининг тошли қияликларида	гуллаш	пиёзи	0,02—0,05
26	<i>A. suvorovii</i> Rgl. —	Туркистон тоғининг	уруғлаш	—“—”—	0,06—0,15

1	2	3	4	5	6
	Суворов пиёзи	тупроқли қияликлариди			
27	<i>A. stipitatum</i> ved. — Анзурпиёзи	Ҳисор тоғининг тупроқли ёнбағирликлариди	гуллаш	—**—**—	0,09—0,18
28	<i>A. komarovii</i> Lipsky — Комаров пиёзи	Ҳисор тоғининг уярма тошли ёнбағирликлариди	—**—**—	—**—**—	0,03—0,08
29	<i>A. iliense</i> Rgl.	Ҳисор тоғининг шағалли қияликлариди	уруғлаш	пиёзи	0,05—0,07
<i>Lilium</i> L. — Лилия туркуми					
30	<i>L. candidum</i> L. — Пиёзгул	безакли, экилади	гуллаш	тўпгулли	0,10—0,13
<i>Korolkovia</i> Rgl. — Олғи туркуми					
31	<i>K. severtzovii</i> Rgl. — Олғи	Чимён тоғининг тупроқли қияликлариди	гуллаш	гуллари	0,01—0,02
<i>Hyacinthus</i> L. — Гулсумбул					
32.	<i>H. orientalis</i> L. — Гулсум—ул	безакли, экилади	гуллаш	гуллари	0,01—0,02
<i>Asragalus</i> L. — Шококил туркуми					
33	<i>A. brachyphyllus</i> Turcz. — Шококил	Ҳисор тоғининг рангбаранг тупроқли ёнбағирликлариди	уруғлаш	илдизпояси	0,01—0,015

1	2	3	4	5	6
34	<i>A. bucharicus</i> Iljin — Бухоро шококили	— " — " —	— " — " —	— " — " —	0,03—0,09
35	<i>A. officinalis</i> L. — Сарсабил	Экилади, баъзан ёввойлашган	— " — " —	— " — " —	0,02—0,03
<i>Polygonatum</i> Adans. — Зиғирак					
36	<i>P. severtzovii</i> Rgl. — Зиғирак	Ҳисор тоғининг бутазор ва да- рахтзорлари орасида	гулаш	гуллари	0,05—0,07
Amaryllidaceae — Чучмўмагулдошлар оиласи					
<i>Ungernia</i> Vge. — Омонқора туркуми					
37	<i>U. victorus</i> Vved. — Омонқора	Ҳисор тоғининг юм- шок, созтупрокли ерларида	гулаш	пиези	0,02—0,04
38	<i>U. oligostroma</i> M. Pop. et Vved.	Туркистон тоғининг юмшок ва созтуп- рокли ерларида	— " — " —	— " — " —	0,03—0,08
39	<i>U. severtzovii</i> (Rgl.) B. Fedtsch. Қорақовук.	Чотқол тоғининг шағалли ёнбағир- ликларида	— " — " —	— " — " —	0,05—0,12
<i>Ixiolirion</i> Fisch. —					
40	<i>I. tataricum</i> (Pall.) Herb. Чучмома	Нурота тоғлари- нинг майда тошча- ли ёнбағирликларида	— " — " —	тўпгуллари	0,03—0,05

1	2	3	4	5	6
Narcissus L. — Нарцисс туркуми					
41	N. posticus L. — Ок нарцисс	Безақли, экилади	гуллаш	тўпгуллари	0,07—0,11
Iridaceae — Савсаргулдошлар оиласи Crocus L. — Бойчечак туркуми					
42	C. alatavicus Rgl. et Sem. Заъфарон	Чотқол тоғларининг тупрокли ёнбағир- ликларида	гуллаш	тўпгуллари	0,01—0,02
43	C. korolkovii Rgl. et Pav. Корольков бойчечағи	Туркистон тоғлари- нинг сзутупрокли ерларида	—“—“—	—“—“—	0,01—0,03
Iris L. — Гулисаваар					
44	I. songarica Schrenk Курткасоч	Нурота тоғларининг кумтупрокли ёнба- ғирликларида	уруғлаш	илдизпояси	0,08—0,20
45	I. sogdiana Bge. — Гули- саваар	Туркистон тоғлари- нинг захди ёнба- ғирликларида	—“—“—	—“—“—	0,05—0,14
46	I. oxypetala Bge.	Чотқол тоғларининг зах ва нам ерларида	—“—“—	—“—“—	0,05—0,10
47	I. korolkovii Rgl. — Корольков гулисаваари	Чотқол тоғларининг тупроқ, тошли қия- ликларида	уруғлаш	илдизпоя	0,09—0,16

1	2	3	4	5	6
Orchidaceae — Салабгулдошлар оиласи Orchis L. — Салабгул туркуми					
48	<i>O. pseudolaxiflora</i> E. Czerniak Салабгул	Туркистон тоғларининг ботқоқзор ерларида	гуллаш	тўпгуллари	0,03—0,07
49	<i>O. umbrosa</i> K. et K. — Солаб	—”—”	—”—”	—”—”	0,02—0,05
50	<i>O. congarica</i> Schrenk — Кампирсоч	Нурота тоғларининг зах ва нам ерларида	—”—”	—”—”	0,03—0,08
Salicaceae — Тоғдошлар оиласи Populus L. — Тераклар туркуми					
51	<i>P. alba</i> L. — Октерақ	экилади	шира ҳаракатининг бошланиши	куртақ	0,03—0,08
52	<i>P. nigra</i> L. — Қоратерақ	—”—”	—”—”	—”—”	0,9—1,6
53	<i>P. afganica</i> (Aitch. et Hemsl.) Schneid. — Афгонтерақ	Чимён воҳасида	шира ҳаракатининг бошланиши	куртақ	0,3—0,9
54	<i>P. balsamifera</i> L.	экилади	—”—”	—”—”	0,7—0,9
Juglandaceae — Енғокдошлар оиласи Juglans L. — Енғок туркуми					
55	<i>J. regia</i> L. — Енғок	экилади	гуллаш	яшил барги	0,05—0,08

1	2	3	4	5	6
Betulaceae — Қайыношлар oilаси					
Betula L. — Қайынар туркуми					
56	<i>B. pendula</i> Roth.	экилади	шира хара- катининг бошланиши	куртак	0,08—0,12
57	<i>B. procurva</i> Litv.	—“—”	усиш	пўстлок	0,3—0,4
58	<i>B. tianschanica</i> Rupr. — Кизилқайчи	Шоҳимардон агро- фида	—“—”	—“—”	0,12—0,19
Moraceae — Тутдошлар oilаси					
Ficus L. — Анжир туркуми					
59	<i>F. carica</i> L. — Анжир	экилади	ўсиш	яшил барги	0,01—0,02
Humulus L. — Хмель туркуми					
60	<i>H. lupulus</i> L. — Хмель	экилади	уруглаш	меvasи	0,18—0,55
Cannabis L. — Наша туркуми					
61	<i>C. sativa</i> L. — Наша	бегона ўт, экилади	уруглаш	ер уетки	0,19—0,27
62	<i>C. rubralis</i> Janisch. — Еввойи наша	бегона ўт	—“—”	—“—”	0,15—0,21
Polygonaceae — Торонгулдошлар oilаси					
Rheum L. — Ровочлар туркуми					
63	<i>Rh. turkestanicum</i> Janisch. Туяяпрок	кумли чулларда	уруғи пиш- ганда	илдизи	0,008—0,009

1	2	3	4	5	6
64	<i>Rh. fedtschenkoi</i> Maxim. — Федченко ровочи	Туркистон тоғларининг тошли кияликларда	—**—**—	—**—**—	0,005—0,009
65	<i>Rh. macrocarpum</i> Losinsk.	Нурота тоғларининг курук кияликларида	уруғи пишганда	илдизи	0,004—0,007
66	<i>Rh. maximoviczii</i> Losinsk. — Чухра	Хисор тоғларининг шағал тошчали ва ўтли кияликларида	—**—**—	—**—**—	0,004—0,08
<i>Polygonum</i> L. — Торон туркуми					
67	<i>P. persicaris</i> L. — Келинтиди	Арик бўйида, дарё кирёкларида	гуллаш	ер устки	0,06—0,08
68	<i>P. hydropiper</i> L. — Сувқалампир	Арик бўйида, дарё ёқаларида	уруғлаш	—**—**—	0,025—0,031
69	<i>P. coriarium</i> Grig. — Торон	Фарғона тоғларининг сустпрокли ерларида	гуллаш	тўпгуллари	0,045—0,063
70	<i>P. bucharicum</i> Grig. — Занжовул	Туркистон тоғларининг майда шағал тошли ерларида	—**—**—	—**—**—	0,028—0,035
71	<i>P. hissaricum</i> M. Pop. — Хисор торони	Хисор тоғларининг тошли кияликларида	—**—**—	—**—**—	0,019—0,021
72	<i>P. nitens</i> (F. et M.) V. Petr. Ерқўнок	Туркистон тоғларининг арчазорларида	—**—**—	—**—**—	0,057—0,75

1	2	3	4	5	6
Chenopodiaceae — Шўрадошлар оиласи Chenopodium L. — Шўралар туркуми					
73	Ch. bolrys. L. — Тошолабўта	Туркистон тоғлари- даги дарё ўзанла- рида	мевалаш	ер устки	0,047—0,15
74	Ch. album L. — Олабута	бегона ўт	— " —	— " —	0,03—0,07
75	Ch. vulvaria L. — Сассико- лабута	бегона ўт, Пар- кент атрофида	— " —	— " —	0,05—0,09
Caryophyllaceae — Чиннигулдошлар оиласи Herniaria L. —					
76	H. glabra M.	Ҳисор тоғларининг курук қияликларида	гуллаш	ер устки	0,48—0,63
77	H. hirsuta L. —	Туркистон тоғлари- нинг қуруқ созтуп- роқли қияликларида	— " —	— " —	0,22—0,30
Agrostemma L. — Рандак					
78	A. githago L. — Рандак	бегона ўт, Тошкент вилоятида	гуллаш	ер устки	0,02—0,04
Dianthus L. — Чиннигул туркуми					
79	D. uzbekistanicus Lincz. Ўзбекистон чиннигули	Ҳисор тоғларининг тоғли қияликларида	гуллаш	ер устки	0,21—0,29
80	D. angrenicus Vved. —	Ангрен тоғларининг	— " —	— " —	0,15—0,22

1	2	3	4	5	6
	Ангрен чиннигули	Ўтлоқли ёмбағирликларида			
81	<i>D. darvasicus</i> Lincz. — Дарвоза чиннигули	Ҳисор тоғларининг шағал-тошли қияликларида	— — —	— — —	0,18—0,25
82	<i>D. brevipetalus</i> Vved.	Туркистон тоғларининг майда шағалли ёмбағирликларида	шоналаш	— — —	0,03—0,07
83	<i>D. subscabridus</i> Lincz.	Нурота тоғларининг майда шағалли ва тошли қияликларида	— — —	— — —	0,21—0,27
84	<i>D. baldshuanicus</i> Lincz.	Ҳисор тоғларининг майда тошали қияликларида	гуллаш	— — —	0,12—0,15
		<i>Rapunculaceae</i> — Айиктовондошлар оиласи <i>Raeonia</i> L. —			
85	<i>P. hydriada</i> Pall.	Ҳисор тоғларининг созтупроқли очик ерларида	гуллаш	илдизи	0,19—0,23
		<i>Delphinium</i> L. — Исфарак туркуми			
86	<i>D. rugulosum</i> Boiss.	Нурота тоғларининг ёмбағирликларида	гуллаш	гулли ва ер устки	0,05—0,009
87	<i>D. semibarbatum</i> Bienert. — Исфарак	— — — — —	— — —	— — —	0,003—0,006

1	2	3	4	5	6
<i>Thalictrum</i> L. —					
88	<i>Th. sultanabadense</i> Stapf.	Нурота тоғларининг шағал-тошчали кияликларида	уруглаш	ер устки	0,03—0,04
89	<i>Th. isopyroides</i> CAM.	— " — " —	— " — " —	— " — " —	0,08—0,10
90	<i>Th. minus</i> L. — Санчкиўт	Туркистон тоғларининг вохаларида	— " — " —	— " — " — " —	0,03—0,04
<i>Adonis</i> L. — Гулизардак туркуми					
91	<i>A. chrysocyatha</i> Hook. — Сувурўт	Олой тоғларининг коратупрокли ерларида	гуллаш	тўпгуллари	0,03—0,07
92	<i>A. turkestanica</i> (Korsh.) Adolf. Гулизардак	Хисор тоғларининг майини тупрокли ерларида	— " — " —	— " — " —	0,05—0,09
<i>Berberidaceae</i> — Зирклошлар оиласи <i>Berberis</i> L. — Зирklar туркуми					
